ҒЎЗА МАЙСАСИНИНГ ЎСИШИГА ТАБИИЙ СТИМУЛЯТОРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Қ.Т.Тожибоев, М.М.Икрамова, М.Содиқова, Х.Давлатов

Гидрогелнинг табиий стимулятор сифатида пахта чигитининг униб чиқишига ва ғўза майсасининг ўсишига, ҳосилдорликка, шунингдек, тупроқда намликнинг сақланишига ижобий таъсир кўрсатиши кузатилди.

Калит сўзлар: *стимулятор, гидрогел, ҳужайра, ғўза, чигит, организм, фитогормон.*

Гидрогель, являясь естественным стимулятором, оказывает положительное влияние на сход семян хлопчатника, выросту и плодоношение растений, а также сохранение влажности почвы.

Ключевые слова: *стимулятор, гидрогель, клетка, хлопчатник, семена, организм, фитогормон.*

The article studies the peculiarities of hydrogel, as a natural stimulant as has a positive effect on the gathering of cotton seeds, and growth into fruit bearing plants, as well as the preservation of soil moisture.

Key words: *stimulant, hydrogel, cell, cotton, seeds, body, fitogarmon*

Ўсимликларнинг ҳаётий фаолиятини бир қатор стимуляторлар бошқариб туради. Бу системага ҳужайра, тўқима, орган ва яхлит организм группаси киради. Бундай мураккаб бошқариш системасини ўзаро бир-бирига боғлашда юксак ўсимликларда гормон хусусиятига эга бўлган бирикмалар муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг бутун ҳаёти, яъни уруғлангандан кейин тухум ҳужайраси ривожланишидан токи организм қаришигача бўлган барча жараёнлар фитогормонлар, яъни ўстирувчи моддаларнинг таъсир этишига боғлиқ бўлади. Биологик стимуляторлар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига кучли таъсир этади. Халқ ҳўжалигида кўпгина биостимуляторлардан фойдаланилади.

Биз ўз ишимизда гидрогелнинг ғўза майсасининг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек, тупроқда намликнинг сақлашинишига таъсирини кузатдик.

Тадқиқот услуби ва материаллари

Тадқиқот Андижон давлат университети экология ва биокимё илмий лабораториясида олиб борилди.

Асбоблар ва материаллар: пахта чигити, 100 мл сиғимли колбалар, петри чашкалари, 100 мл сиғимли стаканлар, фильтр қоғоз, пипетка, кортон қоғоз.

Тадқиқотда гидрогелнинг 10 % ли эритмаларидан фойдаланилди. Тадқиқот учун ғўзанинг Ан-13, С-6524, Наманган-77 навларидан энг сара чигитлар танлаб олинди.

Ишнинг бориши

Тоза, қуруқ колбаларга Ан-13, С-6524, Наманган-77 навларининг чигитларидан 100 донадан санаб солинди. Ҳар бир чигит хилидан иккитадан колбага солинди. Биринчи колба назорат, иккинчи колба тажриба учун. Чигит солинган колбага 10 % ли гидрогель эритмасидан солиб, термостатга 25^0 С га қўйилди. Чигитлар бу колбаларда бир сутка давомида сақланди, сўнгра тоза петри косачаларининг тагига фильтр қоғоз солиб, уна бошлаган чигитларни шу косачаларга олиниб, устига нам фильтр қоғоз қўйиб ёйиб қўйилди. Петри косачаларининг тагига ва устига фильтр қоғоз қўйишдан мақсад унаётган чигитлар яхши ўсиши учун намликни бир хилда сақлашдир. Шу кундан бошлаб уна бошлаётган чигитларнинг ҳаммасига меъёрида сув қуйиб турилди. Пахта чигитининг унувчанлик даражаси ва ўсиш тезлиги ўлчаб борилиб, қуйидаги натижалар олинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили

Сув ва гидрогель таъсирида Ан-13, С-6524, Наманган-77 ғўза навлари майсаларининг ўсиши қуйидаги жадвалда сантиметрларда кўрсатилган.

Пахта навлари		6-кун	7-кун	8-кун	9-кун	10-кун
Ан-13	**Назорат**	2,1	2,5	2,9	3,2	3,6
	тажриба	2,4	2,9	3,3	3,6	4,2
Наманган 77	**назорат**	1,9	2,2	2,5	2,8	3,2
	тажриба	2,3	2,7	3,1	3,5	3,9
С- 6524	**назорат**	2,0	2,3	2,7	3,1	3,4
	тажриба	2,3	2,8	3,1	3,4	4,1

Олинган натижаларга кўра олтинчи кунда Ан-13 навининг гидрогель таъсирида ўсиши 2,4 см ни, сув таъсирида ўсиши 2,1 см ни ташкил этди. Кейинги кунларда бу кўрсаткич мос равишда қуйидагича бўлди: еттинчи кунда 2,9 ва 2,5см; Саккизинчи кунда 3,3 ва 2,9см; тўққизинчи кунда 3,6 ва 3,25 см; ўнинчи кунда 4,2 ва 3,6 см ни ташкил этди.

Олинган натижаларга кўра олтинчи кунда Наманган-77 навининг гидрогель таъсирида ўсиши 2,3 см, сув таъсирида ўсиши 1,9 см ни ташкил этди. Кейинги кунлардаги кўрсатгич мос равишда: еттинчи кунда 2,7 ва 2,2 см; саккизинчи кунда 3,1 ва 2,5 см; тўққизинчи кунда 3,5 ва 2,8 см; ўнинчи кунда 3,9 ва 3,2 см ни ташкил этди.

Олинган натижаларга кўра олтинчи кунда С-6524 навининг гидрогель таъсирида ўсиши 2,3 см ни, сув таъсирида ўсиши 2,0 см ни ташкил этди. Кейинги кўрсаткичлар мос равишда: еттинчи кунда 2,8 ва 2,3 см; саккизинчи кунда 3,1 ва 2,7 см; тўққизинчи кунда 3,4 ва 3,1 см; ўнинчи кунда 4,1 ва 3,4 см.ни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, табиий стимулятор бўлган гидрогель таъсирида ғўза майсасининг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Шунингдек, гидрогелдан фойдаланилганда тупроқнинг нам сақлаш хусусияти ҳам ортади. Булар гидрогелдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ижобий самара беришидан далолатдир.

Адабиётлар:

1. В.Л. Кретович. Основы биохимии растений.- М., 1990.
2. Содива А. Химия хлопчатника.- Т., 1991
3. Имомалиев А., Зикрияев А. Ўсимликлар биохимияси.- Т., 1998
4. Чигитни сифатли экиш, униб чиқишини тезлатиш, касалликлар ва зараркунандаларга қарши ишлов бериш бўйича тавсияномалар.- Т., 1993.
5. Гербицидни ғўза экинлари орасида бегона ўтларга қарши ишлатиш учун тавсиялар. – Т., 1996.

Андижон давлат университети,
Андижон қишлоқ хўжалик институти
2016 йил 27 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: б.ф.н. Э.Юлчиев)